Аноровнинг ҳақиқатлари
Ҳаёт мағзини фидойиликда деб билган инсон
Келгуси сонларда ўқинг

Қонунни луғатдан ўрганайликми?
ёхуд «мувозий» сўзининг маъносини излаб...
Келгуси сонларда ўқинг

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 21 февраль • пайшанба • № 26 (4155)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни электр энергетикаси тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Электр энергетикаси иқтисодиёт ривожи, ҳаёт сифатини таъминлайдиган асосий манбалардан бири. Бу тармоқда қатор камчиликлар мавжудлиги белгиланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатимизни инновацион ривожлантиришга халақит қилаётган эди.

Шу боис, Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Унга электр энергетикаси ҳамда нефть-газ соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш бўйича катта ваколатлар берилди.

2019 йилги Инвестиция дастурига электр энергияси тизими бўйича умумий қиймати 8,1 миллиард долларлик 33 та лойиҳа киритилган. Жорий йил қарийб 620 миллион доллар ўзлаштирилиб, 7 та йирик лойиҳа ишга туширилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, халқаро молия институтлари иштирокидаги «Тахиатош иссиқлик электр станциясидан Хоразм – Саримой пунктигача 220 киловольтли электр линияларини тортиш», «Юқори кучланишли подстанцияларни модернизация қилиш», «Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш» лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари кечиккан. Шу боис, Энергетика вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига халқаро молия ташкилотлари маблағларини тўлиқ ўзлаштириш, лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, маблағларни иқтисод қилиш вазифаси қўйилди.

Электр энергияси қувватларини модернизация қилиш ишлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Тармоқда инвестиция сиёсати нотўғри ташкил этилгани, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга умуман эътибор қаратилмагани танқид қилинди. Бунинг оқибатида корхоналар қарз олиш ёки лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Президентимиз соҳадаги муҳим йўналишларни белгилаб берди. Хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида муқобил энергетикани ривожлантириш, бундай лойиҳаларга чет эл инвестициялари жалб этиш имконияти катта экани таъкидланди.

Ҳозирда юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуриш бўйича Туркиянинг «Йилдирим груп», Бирлашган Араб Амирликларининг «Маздар» жамғармаси ва Халқаро молия корпорацияси билан иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига умумий қиймати 2,5 миллиард долларлик 13 та истиқболли лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича манзилли «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш топширилди. Соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш учун хусусий ишлаб чиқарувчилардан электр энергияси сотиб олиш тартиби ва тарифларини белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, дебитор қарздорликни камайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Электр энергиясини экспорт қилиш бўйича мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Сурхон – Пули – Хумри тармоғини қуришни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 февралдаги қарорида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш белгиланган эди. Давлатимиз раҳбари бу қарорда ишлаб чиқарувчи – етказиб берувчи – тақсимловчи вазифалардан келиб чиқиб, корхоналар функциясини аниқ ажратиш, соҳага бозор муносабатлари, жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ўтган йили май ойида АҚШга расмий ташриф давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли стратегик шериклиқда янги даврни бошлаб берганини қайд этди.

Бугунги кунда кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бормоқда, инновациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2018 йилда ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди.

Президентимиз АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги томонидан ташкил этилаётган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференцияси илк бор мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани ҳамда бугунги даврнинг энг ўткир муаммоларидан бири – Афғонистондаги қуролли можарони муҳокама қилиш ва уни ҳал этишга ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш учун майдон эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳамда хавфсизлик соҳасидаги шериклик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жозеф Вотел давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва конференцияни Тошкентда ўтказиш имконияти учун миннатдорлик билдирди.

АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони ушбу тадбир якунида томонлар минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлаш йўлида конструктив шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишларига ишонч билдирди.

ЎзА

Кун иқтибоси

Янги солиқ тизимидан мақсад битта – иқтисодиёт барқарор ўсиши керак. Иқтисодий ўсиш суръати барқарор бўлмаса, бу солиқ базасининг пасайишига олиб келади, иқтисодиёт эса беқарор бўлиб, нархлар ошади.

Мубин МИРЗАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Сирдарё вилояти

Президент ташрифидан сўнг...

Сирдарёда тараққиёт тўлқинлари жўш урмоқда

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, йирик лойиҳалар ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, шунингдек, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифини вилоят аҳли катта мамнуният ва зўр қизиқиш билан кузатди.

Президентимиз дастлаб Сирдарё туманидаги «Сирдарё универсал ойна» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. «Сирдарё» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган мазкур корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари учун мўлжалланган шиша идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг учун қиймати 50,1 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилди.

– Ўтган йили иш бошлаган корхона маҳсулотлари бозорларимизни тўлдириб турибди, – дейди Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳуниддин Исмоилов. – Вилоятимизда тиббиёт ускуналари, боғламлари, идишлари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

3 ▸

Халқаро конференция

Тошкентда 19-20 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамкорлигида «Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг муштарак жиҳатлари

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида ўтказилган мазкур нуфузли анжуманда ўттиздан ортиқ давлатлардаги таҳлилий марказларнинг 100 дан зиёд вакиллари, Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Арктика маслаҳатлашув кенгаши минтақавий тузилмалари, шунингдек, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Европа инвестицион банки сингари халқаро молия институтларидан қатнашчилар иштирок этди.

2 ▸

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ОЛТИН ЎЛКА

«Йўлдаги ўйлар» туркумидан

Энг оғир дамларингда, кексайиб қолган чоғларингда сени кимдир қўлласа, очун кўзингга гўзал кўринаркан. Шунда дунёга кераклигингни яна қайта ҳис этаркансан. Бундан соғлиғингга соғлиқ қўшиларкан, хатти-ҳаракатларинг жонланаркан, ўзингни тетик сезаркансан...

Эврил ТУРОН

Шу туйғу таъсирида мен эрта тонгда тиниқ кайфият, тиниқ руҳ билан Ота маконга йўл олдим. Тангри қўлловини, янги сиёсат мевасини туяроқ...

Бу – 27 йилдан кейинги илк сафарим эди. Аҳамиятлиси: Расмий... Мақсадим: ҳозирча Жиззах ўлкаси тимсолида Ўзбекюртдаги ўзгаришларни кўриш ва қоғозга эндириш эди. Ўз имконим, ўз қобилиятим даражасида.

4 ▸

Оғриқ тишлар...

ИС ГАЗИДАН ҚОЛАЁТГАН «ИЗЛАР»

ёхуд муаммо илдизига қачон етамиз?

Шу йил бошидан бери Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан қўл телефонимга нақ 23 марта СМС келибди. Ҳаммаси шундай мазмунда: *«Иситиш печларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинг. Ностандарт печлардан фойдаланманг. Ис газидан заҳарланишдан сақланинг».*

Вазирликка раҳмат – хавфсизлигимизни ўйлаётгани, муттасил огоҳлантиришдан чарчамаётганлиги учун!

Шуниси аниқки, бу каби огоҳлантиришлар менгагина эмас, уяли алоқа компанияларининг барча абонентларига юборилмоқда. Бунга турли профилактик тадбирлар, дахлдор ташкилотлар ҳамкорлигидаги ишчи гуруҳларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари ҳам қўшилса, ташвиқот қўлами анчайин кенг эканлиги ойдинлашади. Жиддий муаммога қарши барча қўлни қўлга бериб курашяпти.

Аммо, таассуфлар бўлсинки, интернет орқали ҳали у ерда, ҳали бу ерда юртдошларимиз бу офатдан заҳарланиб, вафот этаётгани ҳақида хабарлар келиб турибдики, юрак ҳовучлайдиган бўлиб қолдик. Андижонда ҳам ўтган йил давомида уч марта шундай фожиа юз берди.

Дастлаб Булоқбоши туманининг «Учтепа» маҳалласида бир хонадоннинг уч вакили кўмир исидан заҳарланиб, шифохонага ётқизилди. Ота-онаси-ку дардни енгиб чиқди. Бироқ олиб борилган муолажаларга қарамай, эндигина икки ёшни қарши олган Ш.Қодиржонова шифохонада жон берди.

2018 йил 21 декабрь санасида яна шу туманнинг «Кўприкбоши» маҳалласида 1974 йилда туғилган Ш.Маматов ҳамда унинг 11 яшар қизи З.Одилова кўмир исидан заҳарланиб ҳаётдан кўз юмди. Андижон туманининг «Чорбоғ» маҳалласида айни шундай фожиа юз бердики, сандалда ухлаб ётган 15 ёшли Сайидмуродхон Абдуллаев яқинларини зор қақшатиб ёруғ дунёни тарк этди.

3 ▸

Минтақавий ҳамкорликнинг муштарак жиҳатлари

◂1

Тинчликпарварлик, ўзаро дўстона муносабатлар, манфаатли ва ишонч руҳидаги шерикликни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада, айниқса, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик, аҳил қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутади. Сўнгги йилларда минтақа давлатлари ўртасида ишонч даражаси сезиларли ошгани, барча соҳаларда ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилгани фикримиз далилидир. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар, инвестициявий муносабатларда ижобий динамика кузатилаётир.

Самарқандда 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуман натижаларига кўра 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш жоизки, энергия ва минерал ресурсларга бой, маданий-гуманитар ва улкан инсон капиталига эга Марказий Осиё ҳудуди турли хавфлардан холи эмас. Жумладан, минтақа учун халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддалар савдоси таҳдиди мавжуд.

Халқаро конференция шу борадаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов таъкидлаганидек: «Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш – объектив, барқарор ва қайтарилмас тенденция. У минтақадаги барча мамлакатларнинг қатъий сиёсий иродасига асосланган ва чуқур тарихий асосга эга. Бугун Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва барчамиз учун долзарб муаммоларни ҳал қилиш ташаббуси билан чиқяпти».

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман ҳам ўз сўзида минтақа давлатлари ўртасида барча масалаларда якдиллик ва мустаҳкам алоқалар яққол кўзга ташланаётганини таъкидлади.

Тадбирда минтақа мамлакатлари вакиллари, хусусан, Қирғизистон Республикаси стратегик тадқиқотлар миллий институти директори Куваничбек Шадибеков, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари Санат Кушкумбаев, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Парвиз Муҳаммадзода, Туркманистон Молия ва иқтисодиёт вазирлиги вакили Искандер Оразов томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро манфаатли келишувларни амалга ошириш ташаббуслари минтақа мамлакатлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаб, халқларимиз турмуш даражасини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётгани, тарихий, географик, иқтисодий, демографик жиҳатдан Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон томони саъй-ҳаракатлари сабаб чегара, савдо, энергетика, сув ресурслари бўйича фаол мулоқотлар олиб борилаётгани қайд этилди. Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу халқаро конференция ўта долзарб масалаларга қаратилгани ва ўз вақтида илгари сурилгани, у кўп томонлама фикр алмашиш, ўзаро мувофиқ ёндашувлар ишлаб чиқиш ва минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қулай имконият экани таъкидланди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили офиси мутахассиси Фавзия Арал эса Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатларни фаоллаштириш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва иқтисодий ривожланишга эришиш борасидаги интилишлари ўз натижаларини бераётганини қайд этар экан, мазкур йирик анжуман ҳам барча соҳадаги икки томонлама ҳамкорликни юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини билдирди.

Халқаро конференциянинг шўъба мажлисларида ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар, нуфузли экспертларнинг таҳлилий маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди. Хусусан, савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, хавфсизлик, экология, энергетика, туризм соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Таълим, фан йўналишларидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди, илгари сурилган долзарб ташаббуслар кенг муҳокама этилди.

Минтақа мамлакатларининг ишонч руҳидаги маслаҳатлашувларини ижобий баҳолаган анжуман иштирокчилари бу ишларни давом эттириш савдо, иқтисодиёт, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлашди, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш юзасидан фикр алмашишди. Шу билан бирга, минтақа давлатларининг денгиз портларига ва халқаро бозорларга чиқиш имконини берадиган транспорт ва логистика тизимларини яратиш, мавжуд туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига сайёҳлик соҳасининг иқтисодиётдаги улушини ошириб бориш масалалари муҳокамалар марказидан жой олди.

Анжуман давомида Марказий Осиё давлатларининг халқаро ҳамжамият билан манфаатли алоқалари, минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги тажрибани ўрганиш ва уни амалиётга жорий этиш истиқболлари каби долзарб масалаларда маърузалар қилинди. Жумладан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Питер Буриан Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар иқтисодиётининг келгусидаги ривожланиш йўлини белгилаб олишда минтақа давлатларининг ўз қараш ва ёндашувлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида фаоллашиб бораётган доимий маслаҳатлашувлар бу мақсадларга қаратилган алоқаларни кенг кўламда давом эттириш ва ривожлантириш имконини беришини қайд этди.

Шўъба мажлислари якунида халқаро форум бўйича ташкилотчиларнинг хулосалари баён этилди.

Анжуманнинг аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, минтақавий хавфсизлик, экология, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, туризм, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш юзасидан муҳим таклифлар билдирилди.

Иштирокчилар хулосасига кўра, конференция кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича томонларнинг позицияси яқин ва ўхшаш бўлиб, ҳамкорликнинг умумий мақсад ва устувор вазифалари ҳисобланган аҳил қўшничилик, манфаатли шерикликни фаол рухда давом эттириш минтақада барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилди.

Халқаро анжуман якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида ОАВ вакилларига тадбир натижалари ҳақида маълумот берилди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2017 – 2019 йиллар учун тузилган Бош келишувнинг 2018 йилдаги ижроси юзасидан тадбир бўлиб ўтди.

Бош келишув: БАРЧАСИ ЭЪТИБОРДА

Таъкидландики, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш, барча соҳаларда давлат аралашувини камайтириш чоралари кўрилганлиги ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади.

Шунингдек, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 407,5 трлн. сўмни ташкил этгани ва у 2017 йил билан таққослаганда 5,1 фоизга ўсгани, аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса ялпи ички маҳсулот 12,4 млн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 фоизга юксалгани, натижада иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми Ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг 88,8 фоизини ташкил этгани тўғрисида ҳам маълумот берилди.

– Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш масалаларида асосий эътибор барқарор иш ҳақи ва меҳнат хавфсизлигини таъминловчи, айниқса, қишлоқ жойларидаги иш ўринларини ташкил этишга, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари ва аҳоли бошқа ижтимоий заиф қатламларининг ишга жойлаштирилишига қаратилди, – дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев.

Хусусан, ҳисобот даврида касаба уюшмалари фаоллари томонидан қарийб 154 мингта, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 11,4 мингга яқин янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди. Шунингдек, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолати юзасидан давлат назорат органлари билан ҳамкорликда 759 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилиб, 6506 та камчилик аниқланганлиги ва иш берувчиларга 759 та тақдимнома киритилганлиги таъкидланди. Бош келишувни амалиётга татбиқ этиш жараёнида қатор масалалар ва ечимини топмаган муаммолар ҳам аниқланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ялпи ички маҳсулот таркибида ёлланма ходимларнинг даромадлари улуши 18,5 фоизга тенг бўлмоқда, бу эса Бош келишувда белгиланган фоиздан бирмунча оз. Кам иш ҳақи олувчилар сони ҳам юқорилигича қолмоқда: Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йилда республикада ходимларнинг 800 минг нафарга яқини 502 минг сўмлик, яна 370 минг нафари эса – 500 минг сўмдан 600 минг сўмгача бўлган иш ҳақи олган.

– Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва келгусида рағбатлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2018 йилнинг январь-декабрида ишбилармонлик муҳитига таъсир қилувчи асосий омил бўлган тегишли қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича жами 759 қонун ҳужжати ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди ва 304 лойиҳа бўйича тадбиркорлик фаолияти ривожига тўсқинлик қилувчи ёки чекловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш зарурияти тўғрисида тавсиялар баён этилган хулоса тайёрланди ҳамда қонунчилик ва ижро этиш ҳокимияти органларига тақдим этилди, – дейди Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси раисининг ўринбосари Фаррух Омонов.

Ўтган йил давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жами 34217 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасига Палата томонидан ваколат доирасида тегишли чоралар кўрилган ва биргина шу йилнинг ўзида 3 трлн. 896 млрд. сўмлик 48993 даъво аризаси киритилди, суд қарорларига нисбатан 165 апелляция, 163 кассация шикояти келтирилди, 36 назорат тартибида протест келтириш тўғрисида илтимоснома берилди.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил мобайнида Савдо-саноат палатаси ва унинг барча ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган 15 та ҳакамлик суди фаолият кўрсатди. Ҳисобот даврида ҳакамлик судларига жами 6847 даъво аризаси келиб тушган. Бу 2017 йилда кўрилган ишлар сонига нисбатан 4382 тага кўпдир.

Тадбир якунида бир қатор муаммолар ечими, келгусидаги режаларни амалга ошириш ҳақида келишиб олинди.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

Хоразм вилояти

Очиқ мулоқот

Жамоа шартномаси шунчаки қоғоздаги ёзувлар эмас. Эндиликда касаба уюшма аъзолари ушбу ҳужжат аҳамиятини яхши билади ва томонлардан ижроси тўла таъминланишини талаб қилади. Агар «Ўзбектелеком» АЖ ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2017 – 2019 йиллар учун тузилган ягона жамоа шартномасининг «Ўзбектелеком» АЖ Хоразм филиалида бажарилишига бағишланган йиғилишда иштирок этганингизда, бунга ўзингиз гувоҳ бўлардингиз.

Жамоа шартномаси ижроси

унга қандай баҳо берилмоқда?

– Нима учун корхонада ўртача иш ҳақи республикадаги ўртача иш ҳақидан паст? Рақамлар қачон тенглашади?

– Ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун яна қандай чоралар кўриш режалаштирилмоқда?

– Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича аниқ режа борми?

Маърузачиларга шу каби кўплаб саволлар билан мурожаат қилинди. Филиал директори Аматжон Самандаров, касаба уюшма қўмитаси раиси Озод Эгамов ўз ҳисоботларида ҳар бир рақамни изоҳлашларига тўғри келди.

Аслида, ҳар икки томон ҳам 2018 йил давомида зиммасидаги вазифаларни тўла бажаришга ҳаракат қилган. 665 ходим фаолият кўрсатувчи корхонада 2018 йилда ўртача иш ҳақи 1 миллион 602 минг 500 сўмга тўғри келган. Байрам ва дам олиш кунлари ишга жалб қилинган 120 нафар ходимга 84 миллион 495 минг сўм, тунги ва кечки сменаларда ишлаган 290 нафар ходимга 393 миллион 477 минг сўм, 524 нафар ходимни тиббий кўрикдан ўтказиш учун 16 миллион 368 минг сўм сарфланган. Жамоа шартномаси асосида меҳнат таътилига чиққан 642 нафар ходимга 691 миллион сўмдан зиёд, биринчи бор қонуний никоҳдан ўтган 11 нафар ходимга 11 миллион сўмдан зиёд, нафақага чиқиши муносабати билан 23 нафар ходимга 40 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Албатта, иш берувчи шартномадаги бошқа шартлар ижросини ҳам таъминлаш чораларини кўрган. 100 нафар ходимга велосипед олиб берилган. 250 ходим махсус кийим-бош билан таъминланган.

Ўз навбатида, касаба уюшма томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. 6 нафар ходим ижтимоий суғурта қилинган, 9 нафар ходим касаба уюшма маблағлари ҳисобидан санаторийларда имтиёзли соғломлаштирилган. Ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган 23 нафар ходимга, боқувчисини йўқотган 8 та оилага моддий ёрдам кўрсатилган. Маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, маънавият соатлари ўз муддатида ўтказилиб келинмоқда. Зиёрат ва саёҳатлар уюштирилмоқда. Шу тариқа касабақўм етакчиси ҳар бир маблағ асосли сарфланганлигини изоҳлаб ўтди.

Сўзга чиққанлар амалга оширилган ишларга баҳо бериш баробарида, янги қабул қилинадиган Жамоа шартномасига ўз таклифларини бердилар.

– Ходимларни тиббий суғурта қилишни тўла жорий қилиш лозим, – деди Гурлан тумани телекоммуникация боғламаси бошлиғи Муқаддас Матмуродова. – Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бўйича семинарлар, амалий машғулотларни янада кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқ.

– Яхши ишлаганга яраша яхши дам олиш ҳам керак, – деди «Call-center» хизмати бошлиғи Марҳамат Матёқубова. – 2019 йилда маданий тадбирлар кўпроқ уюштирилса, айни муддао бўларди. Корхонамиз ўз автобусига эга бўлса, узоқдан қатнаб ишловчилар учун яна бир қулайлик яратилган, саёҳатларга боришимиз осонлашар эди.

Барча таклифлар янги қабул қилинадиган ягона жамоа шартномасига киритилишига ваъда берилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Касаба уюшма аъзолари филиалда ягона жамоа шартномаси ижроси таъминланишини «қониқарли» деб топдилар.

Йиғилишдан сўнг жойларда аъзоларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш учун ташриф буюрган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъул ходимлари билан очиқ мулоқот ташкил қилинди. Федерация Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳматулла Қорабоев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, шу асосда 2019 йилда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тақдимот қилди. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги янгиликлар, халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганлиги, аъзолар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборот берди. Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Камолжон Бекжонов, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бўлим бошлиғи Юнус Ғафуров иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Очиқ мулоқот самимий руҳда, ўзаро баҳс-мунозара ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Самарқанд вилояти

Мулоҳаза учун мавзу

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси тутган йўл, мана қарийб бир йилдирки, катта тортишувга сабаб бўлмоқда.

«ЭЪТИРОЗИМИЗ ЙЎҚ»

биргина шу жумла билан чувалашган иш сабоғи

Гап шундаки, иш берувчи (институт маъмурияти)нинг Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик беришни сўраб ёзган тақдимномасини касаба уюшмаси кўриб чиқишда хатоликка йўл қўйган. Аниқроғи, институт касаба уюшма қўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги 1-4 «О» сонли қарори ЎКУФК раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган тартибга зид равишда расмийлаштирилган. Яъни, пенсия ёшига тўлган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бир қатор талаблар инобатга олинмаган. Шу сабаб институтнинг (ёши 60-80 ўртасида) ўқитувчилари С.Каримов, Ў.Тўхтамишев, Ш.Абдурашидов, С.Тўхтаев, С.Суюнов Г.Маркова ва С.Худойқулов Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят адлия ва бандлик бошқармалари ҳамда бир қатор республика ташкилотларига мурожаат қилишади.

Уларнинг 2018 йил 19 апрелдаги шикоят аризасини ўрганган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими институтректорининг 2018 йил 23 мартдаги «Меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида»ги буйруғи меҳнат қонунчилигидаги бир қатор нормаларга мос келмаслигини аниқлаган.

Масалани ҳал этиш учун иш Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига олиб чиқилади.

– Судда аризачилар сўровига мувофиқ улар манфаатини ҳимоя қилишга интилдик, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Улуғбек Ғаниев. – Суд даставвал уларнинг икки нафарини ишга тиклаш ва қолганларининг даъволарини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, кейинги инстанция судлари барча аризачилар талабларини инкор қилди.

– Институтда пенсия ёшида ишлаб келаётган 70 нафарга яқин профессор-ўқитувчи бор. Улар орасидан айнан биз, раҳбарга ёқмаган бир неча ўқитувчи ажратиб олинганмиз, – дейди норози томон вакилларидан бири Худойқул Садинов. – Ҳурматимизни жойига қўйишганларида эди, ўз аризамиз билан кетармидик. Ўйлаб кўринг-а, ҳозирги ҳолатда шогирдлар олдида нима деган одам бўляпмиз? Ёшимиз бир жойга етганда «ёзувчи»га чиқиб қолдик. Қароримиз қатъий адолат қарор топмагунча тинмаймиз...

Хуллас, ушбу масала ечим топмаганининг асосий сабаби институт бошланғич касаба уюшма қўмитаси Меҳнат кодекси ва ЎКУФКнинг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли раёсати қарори талабларини четлаб ўтганидир. Институт касаба уюшма қўмитаси етакчиси Неъмат Худойбердиев ўзига бир пайтлари устозлик қилган, елкама-елка ишлаган кишиларнинг юзидан ўтолмай, яна маъмуриятнинг қатъий талабини рад этолмасдан мажлис қарорининг ҳал қилувчи бандига «эътирозимиз йўқ» жумласини киритган.

Таъкидлаш жоизки, ЎКУФКнинг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли раёсати қарори Меҳнат кодексининг бир қатор моддаларига мосланган бўлиб, у амалиётда жуда кўп учрайдиган юзхотирчилик, таниш-билишчилик сингари иллатларга тамомила нуқта қўйиш, ҳар қандай бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиш учун қабул қилинган. Мазкур ҳужжатда бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчисининг меҳнат низоларидаги қатъий позицияси аниқ-тиниқ белгилаб берилган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти бошланғич касаба уюшма ташкилоти раҳбари Неъмат Худойбердиев бу талабларга риоя этмади. Оқибатда эса биргина жумла ишни чувалатиб, ёши улуғ устозларнинг сарсон бўлишига, жамоанинг аҳиллигига путур етишига олиб келмоқда.

Бу ишлар бир куни ўз ечимини топар. Аммо мазкур ҳолат касаба уюшмалари қуйи тизимида «мен бир жамоатчи вакилман-ку» дея масъулиятдан ўзини олиб қочиб юрганларга сабоқ бўлиши керак. Зеро, ҳар бир қарор адолат тамойилларига таяниб қабул қилиниши даркор.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳикмат

Қарама-қарши фикрлар ўртасида ҳақиқат ётади дейдилар. Бўлмаган гап! Улар ўртасида муаммо ётади.

ГЁТЕ

Сирдарёда тараққиёт тўлқинлари жўш урмоқда



1

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли вилоятимизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда, – дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Ҳаётга татбиқ этилаётган улкан лойиҳалар иш ўринлари кўпайиши, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётир.

ХОВОС – ҲАММАДА ҲАВАС УЙҒОТСИН...

Қадимий тарихга эга Ховос туманида ҳар жабҳада ҳавас қиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, Корея Республикаси технологияси билан жиҳозланган «Gran ruta de la seda» корхонасининг гидропоника усулидаги иссиқхонасида қишлоқ хўжалик экинлари парваришланяпти.

– Умумий майдони 10 гектар бўлган иссиқхонада йилига бир минг беш юз тонна помидор етиштирилмоқда, – дейди иссиқхона менежери Рустам Шокиров. – Корхона томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида яна 10 гектар майдонда иссиқхона ташкил этиш режалаштирилган. Натижада доимий ишчилар сони 220 тага етади.

– Бу ерда ишлаш қийин эмас, – дейди Ҳилола Ҳамидова. – Ҳарорат, ўсимликнинг сув ва озуқага талаби таҳлил орқали аниқланади. Барчаси компьютерлаштирилган. Минералар билан бойитилган сув томчилатиш усулида ўсимлик илдизига етказилади

Ташриф давомида Президентимиз томонидан туман маркази Ховос шаҳарчасининг замонавий қиёфаси борасида таклиф ва тавсиялар берилди. Кўркам маъмурий бинолар, турар жойлар, мактаблар, истироҳат боғи, Хотира майдони, кутубхона ва театр каби объектлар қурилишига эътибор қаратиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

– Туманимизда биргина ўтган йилда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қанчадан-қанча қалбларни жунбушга келтирди, – дейди меҳнат фахрийси Ҳайдарали Қиличев. – Хусусан, «Ховособод» ҳудудида «Обод қишлоқ» дастури асосида кенг кўламли ишлар олиб борилгани, туман масжидининг барча шароитларга эга янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилгани шулар жумласидандир. Президентимизнинг туманимизга ташрифи янада улкан бунёдкорлик ишларига йўл очди. Насиб бўлса, Ховос ҳамма ҳавас қиладиган ҳудудга айланади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА

Маълумотларга кўра, 1 килограмм пахта толасидан 5 дона катталар футболкаси ёки 10 дона болалар кийими тайёрлаш мумкин. Иқтисодий таҳлиллар хомашё сифатида сотилган пахта толаси агар маҳсулот сифатида бозорга олиб чиқилса 8, 9 баробар фарқ билан фойда келтиришини тасдиқламоқда.

Мирзаобод туманидаги «Bek cluster» МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти айнан шу жиҳати – хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилиши эса вилоят иқтисодиёти ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

– «Bek cluster» МЧЖ қўшма корхонасида бугунги кунда бирлашган бошланғич касаба уюшмаси тузилишига эришилган, – дейди тармоқ касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Эргаш Бўриев. – Бу корхонадаги қарийб уч минг нафардан ортиқ ходимларнинг манфаати тўла ҳимояда эканини англатади.

Кластер таркибидаги янги пахта тозалаш заводи фаолияти билан танишган давлатимиз раҳбари соҳага илғор технологияларни муттасил жорий этиб боришни тавсия қилди.

САЙЁҲЛИК «ЧЕҲРА»СИ

Вилоятнинг тараққиёт режаси барча соҳаларни қамраб олганлигини эътироф этиш мумкин. Муқаддам қаровсиз қолдирилган манзилларга ҳаёт бахш этилмоқда. Туризмни ривожлантириш мақсадида «Чеҳра» мажмуасида ўтмишдан садо берувчи миноралар, замонавий дам олиш маскани ва фавворалар, ресторан ва кўнгилочар масканлар барпо этилди.

Қурувчиларнинг сўзларига кўра, яқин орада Сирдарё қирғоғидаги мазкур кенгликларда машҳур «Лой жанги» композицияси яратилади, ўтовлар қурилади. От ва туяда саёҳат қилиш имкониятлари юзага келтирилади. Умуман олганда, тарих ва бугунни акс эттирган янги туристик шаҳарча бунёд этилади.

Буларнинг барчаси сайёҳлик салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

ИЖОД МАКТАБИ – ИСТИҚБОЛ МАКТАБИ

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ташкил этиш таклифини илгари сурди.

– Ёшлар орасида ижодкорлар, адабиётга қизиқувчилар кўп, – дейди «Ойдин йўл» газетаси муҳаррири Зебо Ҳайдарова. – Мактаб чин маънода адабиётсеварлар учун билим манбаи, сабоқ мактаби бўлишига ишонамиз.

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Гулистон шаҳри тобора йирик шаҳарга айланиб бораётир. Табиийки, аҳоли массивлари ҳам кенгаймоқда. «Буюк келажак сари» номи билан кичик шаҳарча қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. 5 қаватли 13 та янги уйга бугунги кунда оилалар кўчиб кирган. Қурилиш ишлари давом эттирилиб, яна 10 та 7 қаватли уйлар барпо этилмоқда. Айтиш мумкинки, бундай йирик қурилиш вилоятда илк бора кузатилмоқда. Биноларнинг 1-қаватидаги хонадонлар ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган аҳолига тақдим этилди. Қолган хонадонлар ҳам узоқ муддатли имтиёзли кредитлар асосида ёш оилаларга берилади.

Зоҳиджон ва Шаҳнозахон Раҳмоновлар ана шундай имтиёздан фойдаланиб шахсий уй жойга эга бўлишди.

– Архитектура соҳасида ишлаганим боис хонадонларнинг тузилиши, қурилишини яхши тушунаман. Бино режаси менга жуда маъқул келди ва хонадонлардан бирини олишни ният қилдим, – дейди Зоҳиджон Раҳмонов. – Турмуш ўртоғим ўқитувчи. Ҳозирда фарзанд тарбияси билан машғул. Массив ҳудудида қурилаётган мактаб иш бошлаши билан шу ерда фаолият бошлайди.

Ҳа, Сирдарё улкан ўзгаришлар майдонига айланган. Айниқса, вилоят маркази Гулистон шаҳри ҳақиқий гўзаллик касб этган. Ўз номига монанд шаҳарда табиатнинг тўрт фаслида гуллар қийғос очилади. Кундузги қиёфаси меҳнаткаш аҳолиси билан суюмли бўлса, кечалари сон-саноқсиз чироқлари шаҳарнинг уйғоқлигидан дарак беради.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«Ishonch»

ИС ГАЗИДАН ҚОЛАЁТГАН «ИЗЛАР»

ёхуд муаммо илдизига қачон етамиз?

1

КЎРИНМАС БАЛО

Ис гази шу қадар енгил бўлмас офатми? Не-не дардларга даво топилаётган бир паллада соппа-соғ одамлар ширин жонини, ҳаёт неъматини бу балога нега қўшқўллаб тутқазиб қўймоқда?!

Шифокорларнинг фикрича, енгил даражада заҳарланишда ис газининг қондаги миқдори 20-40 фоизга етади ҳамда бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, қусиш, юрак қисқаришлари сонининг ортиши, қуруқ йўтал, кўз ёшланиши, кўриш қобилиятининг сустлашиши ҳамда мантиқий фикрнинг бузилиши сингари жиҳатлар кўзга ташланади. Ўрта даражадаги заҳарланишда (40-60 фоиз) уйқучанлик, қулоқларда шовқин кузатилади. Бемор ҳушида бўлган тақдирда ҳам оёқ-қўлларини ҳаракатлантира олмайди, артериал қон босими пасаяди, нафас олиши тезлашади. Юқори даражадаги заҳарланиш оқибатларини эса на айтгани тил боради, на ёзгани қўл...

Бу демакки, давлат миқёсида кескин, жиддий чоралар кўрилмас экан, бугун кўп учраётган енгилгина заҳарланиш асоратлари узоқ вақт тиббиётда эришилаётган ютуқларимизга соя солавериши шубҳасиз.

Энг ачинарлиси шуки, бу ҳолатлар юзасидан телефонимизга СМС келса ҳам, тарғибот ишлари кучайган бўлса ҳам хушёрлигимиз ортмаяпти. Масъул ташкилотлар қаёққа қараяпти? Улар ҳам фақат огоҳликка чорлаш билан машғулми? Аслида, муаммонинг илдизини топишимиз керак эмасми?

ҲАЁТ МАЖБУР ҚИЛЯПТИ(МИ?)

Бугун Андижон шаҳридаги кўп қаватли уйларга разм солсангиз, аксарият хонадонларнинг дераза ромларидан чиқиб турган мўриларга кўзингиз тушади. Кўп қаватли уйда қўлбола печ ишлатиб бўладими, ахир?..

Андижон шаҳри ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори Хайрулло Қодировнинг таъкидлашича, кўп қаватли уйлардан чиққан мўриларнинг юқорига эмас, балки деразадан кўча томонга тўғри тартибда ўрнатиб қўйилиши шамол таъсирида ис газининг айнан шу ёки юқори қаватдаги хонадонларга тўпланиши эҳтимолини кучайтиради. Ишчи гуруҳлари томонидан ўтказилаётган профилактика тадбирларида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратиляпти. Бироқ...

Шаҳарнинг Чўлпон шоҳкўчасидаги 36-кўп қаватли уйнинг юқори қисмида яшовчи фуқародан шикоят тушди. Айтишича, қуйи қаватдаги қўшнининг мўрисидан чиқаётган тутун сабаб уйида нафас олиб бўлмаётганмиш. Арзгўйнинг айтганича бор экан. Қўшниси Шерзод Мадаминов каталакдек хонага ўрнатган қўлбола печга уланган табиий газ шланги ҳам, дудбўрони ҳам шу қадар хавфли жойлаштирилганки, ҳушёрлик бироз бой берилган тақдирда ўзининг хонадонигина эмас, бутун бошли «дом»ни «учириб» юборишга қодир вазият юзага келади. Боз устига, печ ёнида битта қопда ўтин турганини айтмайсизми?

– Икки кун аввал газ босими жуда пастлаб кетди, овқат пишириш тугул, чой қайнатишга ҳам имкон бўлмади, – дея изоҳ берди Шерзод Мадаминов. – На илож, ўтин харид қилиб, печ ёқишга тўғри келди.

Фарғона водийсида, хусусан, Андижонда ҳам табиий газ борасида муаммолар қолмади, лимитдан ортиқча бериляпти, ҳаммаси жойида, деган мазмунда ҳисоботлар бераётган «Ўзтрансгаз» мутасаддилари шу кунларда вилоятга йўл олиб, шаҳарнинг «Обод» маҳалласига бир бор қадам ранжида қилсалар, чакки бўлмасди. Маҳалланинг 2-тор Оқроввот кўчасида ўттизга яқин хонадон жойлашган. Кўчанинг икки жойида ҳандақ қазилиб, бирига 3 та, иккинчисига 2 та мотор ўрнатилган.

Мотори нима экан, деб ҳайрон бўлманг! Автомобиль ювиш шохобчаларида машиналарга ўта кучли босим билан сув пуркайдиган мосламага кўзингиз тушган бўлса керак. Айни шу мосламадан қўни-қўшнилар газсўрғич сифатида фойдаланишяпти. Энди бирваракайига ишлаётган 5 та моторнинг овозини тасаввур қилиб кўринг – етти маҳаллага эшитилаётган шовқин-сурон нақ қулоқни қоматга келтиради. Бундай антиқа тажрибага кўзи тушмаган меҳмон бирон жойга вертолёт қўндимикин, деган хаёлларга борса, ажаб эмас.

– Мотор ишлатмасак, на овқат пишади, на уй исийди, – дейди 2-тор Оқроввот кўчасида яшовчи Фатҳиддин Холиқназаров.

Шу кўчада истиқомат қилувчи Ҳаётбек Зокировнинг таъкидлашича, йил бошида газ босими бироз кўтарилди, бироқ яна эски ҳаммом – эски тос. Газсўрғич ишлатилмаса, босим ниҳоятда паст бўлади. Моторлар бетўхтов «гуриллаб» тургани боис тез-тез куйиб қолади. Қўни-қўшнилар дарров пул йиғиб, уни янгисига алмаштиришга мажбур бўлишяпти.

– Газсўрғичдан фойдаланишда қувурдан қуруқ ҳаво оқими кириб келади, – дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси йўриқчи-қутқарувчиси Носирбек Хонкелдиев. – Уй ичида ис гази тўпланиши эҳтимоли бир неча баробар ортади.

«Обод» маҳалласининг Обод кўчасини табиий газ «йўқламай» қўйганига анча йиллар бўлди. Одамлар суюлтирилган газ, ўтин ва кўмирдан фойдаланишга ўтишган. Зулхумор ая Қўчқорова хонадонига кирсангиз, онахоннинг бу кунларга эсон-омон етиб келганига тасаннолар айтасиз! Уй деразасидан ҳовлига чиқарилган мўри анчадан бери тозаланмаган, бурқсиб чала-ярим тутун чиқариб ётибди. Деразаси ташқи томондан қалин целлофан билан тўсилган – мўрига туташган қисми эса эриб-куйиб, ёнғин чиқиш хавфини юзага келтирган.

– Ёлғиз ўғлим хасталаниб, шароит оғирлашди, ўтин ва кўмирга қийналяпмиз, – дейди онахон. – Очиғи, ёнишга арзийдиган нимаики топсам, печкага тиқишга мажбур бўляпман. Ҳатто целлофан ва баклашка ёқиб, уй иситган кунларимиз бўлди. Албатта, баклашка, пластмасса буюмлар, айниқса, уй ичида ёқилса, турган-битгани заҳар эканлигини биламан. На илож, бизгаям ҳавасми?

БОСИМ ЎЙНАБ ТУРСА...

Оддий ҳолат. Кўп жойларда газ босими ўйнаб туради. Мотор билан газнинг сўриб олиниши бошқа жойга газ етиб бормаслигига сабаб бўлади. Хўш, бундай ҳолатда газ ёқиқ турган бўлса ёки ёқиқлиги ёддан кўтарилган бўлса, нима бўлади? Ис гази тўпланадими? Албатта.

Бу ҳолат бўйича ҳам аниқ ечимни топиш зарурати юзага келмоқда. Газ етказиб бериш идораси аҳолини огоҳлантириши, аҳоли ҳам узлуксизликни таъминлаш юзасидан идорадан талаб қилиш ҳуқуқларини тиклаш керак. Газ сўриш ускуналарини ўрнатганларга ҳам жавобгарликни кучайтириш даркор. Умуман олганда, бу борадаги ҳуқуқий меъёрларнинг ишлашини таъминлаш зарур. Акс ҳолда, қанчалик эҳтиёткорлик қилмайлик, огоҳлантирмайлик, барчаси бефойда бўлиб қолаверади.

МИНИҚОЗОНХОНАЛАР – ЕЧИМГА ЙЎЛ

Юртимизда Ёнғинга қарши кураш жамияти борлигини кимдир билади, кимдир билмайди. Ташкилотнинг вазифаси иситиш печлари, мўриларни кўрикдан ўтказиш, керак бўлса, тозалаб бериш, бирор объектнинг табиий газга уланиши олдидан хулоса (рухсатнома) бериш сингариларини адо этиш. Унинг Андижон вилояти ҳудудий бўлинмаси ҳамда туман-шаҳарларда 100 дан зиёд мутахассислари фаолият олиб боради.

Очиқ айтиш керак, Ёнғинга қарши кураш жамияти ҳудудий бўлинмаси мутахассислари мунтазам равишда аҳоли хонадонларида кўриклар ўтказишяпти, ис газининг олдини олишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишяпти. Бироқ муаммонинг илдизи шунчалар чуқурки, бу борада жиддий ўйлаб кўрилмаса, аҳвол ўнгланмасдан қолаверади.

Мазкур ташкилот вилоят ҳудудий бўлинмаси катта назоратчиси Муҳаммадориф Холиқовнинг таъкидлашича, 10-15 йиллар нарёғида барпо этилган кўп қаватли уйларнинг 5-6 таси қурилиш стандартларига ростмана жавоб беради, холос. Қолганларида мўриларни юқорига йўналтириш масаласи эътиборга олинмаган. Кўп қаватли уйлар бир неча йиллар аввал марказий иситиш тизимидан узилган. 90 фоиз хонадонларда стандарт талабларига жавоб бермайдиган, техник жиҳатдан хавфли иситиш мосламалари ишлаб турибди. Хўш, нима қилиш керак?

– Ҳар иккита ёки учта кўп қаватли уйларни иситишга хизмат қилувчи миниқозонхоналар зарур, – дейди Муҳаммадориф Холиқов. – Энг аввало, уй ичидаги қўлбола печларга ҳожат қолмайди, шунда хавф-хатар чекинади. Бу усул иқтисодий жиҳатдан анча самарадор, чунки табиий газ, фуқароларнинг иситишга сарфлаётган маблағи тежалади. Бу вазифани уддалайдиган тадбиркорлар бор. Тўловни олдиндан амалга ошириш тизими ишлаб чиқилса, кифоя.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ривожланган давлатларда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш учун уйларга ис гази детектори ўрнатилади. Айни пайтда Канадада истиқомат қилаётган ўзбекистонлик блогер Фарҳод Файзуллаевнинг ўз телеграмм каналида ёзишича, Альберта провинциясида 2006 йилдан буён янги қурилган уйларда ис гази детектори бўлиши шарт. Кўп қаватли уйларда эса у ҳар бир қаватга ётоқхоналардан 1 метрдан узоқ бўлмаган жойда шифтга ўрнатилади.

Борди-ю, уйда ис гази ёки тутун тарқалгудек бўлса, детекторлар жуда баланд овозда чийиллаб, ухлаб ётганларни уйғотади ва фожиадан сақлайди. Мазкур қурилма Канадада 50 доллар атрофида турар экан.

Тажрибада ўзини оқлаган бу усулни бизда ҳам кенг кўламда жорий этиш масаласини ўйлаб кўриш зарур.

КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРСАК

Айтайлик, кимдир қўшнисининг мўрисидан чиқаётган тутундан азият чекяпти. Ёки шунга яқинроқ масалада шикоят қилмоқчи. Амалиётда бу борадаги мурожаатларнинг деярли барчаси асосан Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва бўлимларига келиб тушяпти. Ёнғин хавфсизлиги вакиллари, ўз навбатида, муаммони бартараф этиш учун Ёнғинга қарши кураш жамияти ҳудудий бўлинмаси мутахассисларини жалб этяптилар. Яна бир томондан деярли кунора «Ис газидан сақланинг» деб фуқароларга СМС юбораётган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳаракат қиляпти.

Фикримизча, мана шу кучларни бирлаштириб, муаммони бартараф этишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилса, нур устига нур бўлур эди.

Албатта, мутахассислардан ўтказиб бир нарса дея олмаймиз.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«Ishonch»

Ҳикмат

Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг мажмуасидир. Табиатнинг мавжудлиги асосида ҳам тартиб ётади.

ПИФАГОР

Эълон

«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖнинг 20.02.2019 йил кунги 5-сонли буюртма хатига асосан, Андижон вилояти «Андижон» ШФЙ, Мамажонов кўчаси ҳудудида жойлашган «Сабзавот омбори, тарозихона» биноиншоотлари қўйилмоқда.

Умумий майдони – 1227,04 кв.м.

Бошланғич баҳоси – 62 407 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 26 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 25 март, соат 16:00.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига заҳалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ҳисобрақамига («Трастбанк» Фарғона филиали, ҳ/р: 20208000300433601012 МФО: 01123, СТИР: 303179580) тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчисига тегишли ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. **Телефон.:** (99895) 402-54-75. **Веб-сайт:** www.emulk.uz. **E-mail: best.fergana@mail.ru.**

Лицензия: RR-0225.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ОЛТИН ЎЛКА

«Йўлдаги ўйлар» туркумидан

Истак, ғайрат билан битмайдиган иш йўқ.

Амир ТЕМУР

◂ 1

Улуғ Шароф Рашидов қурган бошкент билан Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Қарақалпоқ ўлкаларини боғловчи бетон сўқоғидан йўлга тушдим.

Нисбатан кенг йўл. Нисбатан текис йўл. Икки ёқлама ҳаракат. Хавфсиз. Кулай.

Сўқоқнинг икки томонида ҳам бўш ер йўқ. Экинзор, Оғочзор... Кўнгил яйрайди.

Минг-минг йилдан бери тинсиз оқаётган, Ўғизхон, Чингизхон, Темур ҳоқонлар кечган Сайхундан кечдим.

Юрагимда:

Тўлқин-тўлқин армон,
Тўлқин-тўлқин қувонч,
Тўлқин-тўлқин Турон севгиси...
Ер юзининг зийнати бўлган Турон,
Ер юзининг қудрати бўлган Турон...
Узоқ кечмишлар...
Орзу бўлиб қолган кечмишлар.
Амалга ошишга умид боғловчи кечмишлар...

«Оққан дарё оқади»... Дарёдан бир чақирим юришимиз билан сўқоқ айри келди. Тўғрига – Шароф Рашидов қурган йўл. У 40 километр узунликда қозоқ даштини кесиб ўтади. Яқин йўл. Сўл – Гулистон шаҳрига. Айланма, узоқ йўл, 89 чақирим зарарга. 89 чақирим!.. Бундан улус қанча зарар кўради?

Йиллар чиқими: триллион-триллионлар. Вақт ютқизиғи!.. Асаб ютқизиғи!..

89 чақиримдан кейин (Оқолтин тумани ҳудудида) айри йўл тўғри йўлга қўшилади.

Ўзбек билан қозоқ бир туғишган эл. Умуман, Марказий Осиё улуслари қондош улуслар. Ғаним босқинидан сўнг бир бутун туркий ҳудуд бешга бўлинган ва беш ном билан атала бошланган. Ўзбек, Қозоқ, Қирғиз, Туркман, Тожик.

Марказий Осиё эллари – қондош эл экан, ўзаро ўртани бузиш нечун?

Қўшнилар билан тинч-тотув бўлишни Шавкат Мирзиёев амалда кўрсатди. Бундан, менимча, кўпни кўрган оқсоқол Нурсултон оға кўп қувонди. Қирғиз, Туркман, Тожик президентлари ҳам. Айниқса, элларимиз севинчлари чексиз бўлди.

Қондош халқлар аро: «Сендан мен зўрман!» деган фикрни ким келтириб чиқарса, у элбошими, олимми, ойдинми, оддий юртдошми (фуқароми), кимлигидан қатъи назар, уни «Халқ ёви» деб аташ лозим. Одатда бундай гап: худбинлардан, калтабинлардан чиқади. Оқибат, бундан: эллар зарар кўрадилар, давлатлар зарар кўрадилар.

Қозоқ даштини кесиб ўтувчи сўқоқ масаласи Юртбошилар ўртасида (Шавкат Мирзиёев, Нурсултон Назарбоев) расман ечилган. Бироқ, 40 чақиримлик йўлга 7 та назорат пости ўрнатилган. Буни қандоқ тушуниш мумкин? Ўртага кимлар ғулғула соляптилар? Турли сабаб, важларни: тўқиб, бичиб, бўрттириб...

Улар текшир-текшир касалига йўлиққанлар. «Сендан мен камми?» деган касалга. Соатлаб (камида 2 соат. Шахсан бунинг гувоҳи бўлдим) вақтни оладилар. Шу боис, бу сўқоқдан автоулов юрмайди. Узоқ бўлса ҳам айланма йўлни маъқул кўради.

Бу борада Оврўпа давлатларидан ибрат олмаймизми? Уларда чегараларни кесиб ўтувчи сўқоқлар масалаларида муаммолар йўқ. Ўрисча айтганда, йўллар «зелённый». Оврўпаликлар: инсон қадрига етадилар, вақтни қадрлайдилар. Шўро даврида машиналар фақат шу йўлдан қатнардилар. Текширувлар худди Оврўпадагидек оний тезликда ўтарди. Энди?..

Мен умид қиламан: бу масала давлат миқёсида қайта кўрилади ва ҳал этилади. Тўғри сўқоқнинг биринчи постида текшир-текширдан зада бўлдик. Ярим соат вақтимизни шамолга совурдик. Айланма йўлга қайтдик. Манзил узоқ. Мени хаёл қуршайди. Енгиб бўлмас хаёллар...

Менимча жуда кўп нарсалар хаёлда пишади, туғилади: фикрлар, ихтиролар, кашфиётлар, асарлар...

...Жиззахга анча йўл. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё!.. Э-ҳе, яна қанча масофа! Улардан-да нарида Хоразм, Қорақалпоқ!.. Юзлаб чақирим! Минглаб чақирим!.. Гўё ернинг нариги томонидагидек туюлади менга.

Тошкент қайда? Ўзбекюртнинг энг чекка қисмида. Ул олис ўлкалардан Тошкентга келишгунча, қанча вақт, қанча маблағ, қанча ёқилғи кетади?

Водийдан-чи? Худди шундай харажат. Яъни: триллион, триллионлар!

Бу маблағга завод, фабрикалар, шаҳарлар қуриш мумкин. Давлатчилик тарихи шуни кўрсатади: Бошкент – юртнинг ўртароқ қисмида бунёд этилади.

Ўрис ўз бошкентини (бошкент – эски туркий сўз. Бош кент. Яъни бош шаҳар. «Пой» нима? «Тахт» нима? Улус тушунмайди. Пойтахт ўрнига бошкент ишлатилса, элга тушунарли бўлади) Петербургдан Москвага бежиз кўчирмаган. Чунки, Санкт-Петербург чет эл биқинида жойлашган эди.

Мен шундай таклиф киритаман: Ўзбекистон иқтисодий қудрат чўққисига чиққанда, Бошкентни мамлакатни нисбатан ўрталиғи бўлмиш – Жиззах ўлкасига кўчириш керак. Хусусан: Ғаллаорол-Булунғур туманлари оралиғидаги бепоён (Юқори нуқтагача) бўшлиққа. Аниғи: Помир тизмаларидан Ғўбдин тоғига қадар ястаниб ётган водийга, гўзал Зомин тоғлари этакларига, Боғдоннинг (Фориш, Фориш туманига Боғдон номи берилса, тарихий ҳақиқат тикланади) Қизилденгиз (Ҳайдаркўл) билан туташган ясси тоғлар оралиғидаги афсонавий чўлларга.

Сув масаласи нима бўлади?

Ўзбекистондек давлатга, бу, деярли муаммо туғдирмайди.

1. Тоғлардаги булоқлар, жилғалар, сойлар кучи аниқ, тиниқ ҳисоб-китоб қилинади. Сўнг қатъий режа асосида ўзанларга бурилади. Ўзанлар эса улкан ўзанда бирлашади. Бундоқ ҳолда бир томчи сув ҳам исроф бўлмайди.

2. Бахмал (Сангзор), Зарафшон дарёларидан ҳам ирмоқлар тортилади.

3. Ер ости дарёлари ер устига оқизилади.

4. Қизилденгиз (Ҳайдаркўл) суви чучуклаштирилади.

5. Бир неча миллион кишининг чанқоғини қондирадиган УЛУҒ СУВ ҳавзаси қурилади.

Бу масалада Бирлашган Араб Амирликларида, бир гиёҳ ўсмайдиган, бир томчи сув йўқ ёввойи саҳрода, яъни Абу-Дабидаги Лива чўли остида қурилган, чучук сув билан тўлдирилган сунъий резервуар (дунёда энг катта) бизга мактаб бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу резервуар 80 метр чуқурликда жойлашган. Лойиҳа 315 та қудуқдан иборат тармоқлардан ташкил топган. Улар орқали (Шувайҳадаги сувни чучуклаштириш станциясидан) резервуарга ҳар куни 232 минг тонна сув кириб тушган. Резервуар 27 ой давомида тўлдирилган. Шундай йўл билан Бирлашган Араб Амирликларида 26 миллион куб метр миқдорда чучук сув захираси яратилди. Лойиҳа қиймати 435 миллион долларга баҳоланди.

Қайтараман: Тошкент юртимизнинг энг четида қарор топган. Шу ноқулайлик билан бирга лойсувоқ кулбалар пала-партиш ва зич қурилган. Янги бинолар бунёд этиш учун уларни бузиш, кулба эгаларини яшаш жой билан таъминлаш лозим. Бунга қанча пул кетади? Менимча: миллиардлар...

Агар бошкент Ғаллаорол, Зомин ва ёҳуд Боғдон ҳудудларида қурилса, миллиард-миллиард долларлар тежалади. Чунки бузиладиган уйлар йўқ. Ўнлаб Тошкент жойлашадиган бўш ва баҳаво гўзал ерлар мавжуд.

Шубҳасиз, Жиззах – саодатли ўлка, тупроғи олтин ўлка, ер ости базальт, темир, қўрғошин, рух, оҳак, мармар, гранит, кумуш, олтин... ларга бой ўлка. Ўн миллионларни боқишга қодир ўлка.

Агар бошкент Ғаллаорол, Зомин ва ёҳуд Боғдон ҳудудларида қурилса, миллиард-миллиард долларлар тежалади. Чунки бузиладиган уйлар йўқ. Ўнлаб Тошкент жойлашадиган бўш ва баҳаво гўзал ерлар мавжуд.

Шундоқ экан, ҳозирнинг ўзида ҳам янги бошкент қурилишини бошлаш мумкин.

Қандоқ? Қуйидаги-ча:

Ер ости, усти бойлиги тежаб ишлатилса;

Ўмарилган миллиард ($)лар ўзбек ғазнасига қўйилса;

Йигирма беш йиллик олтин Ватанга қайтарилса;

Коррупция илдизи таг-туги билан чопилса;

Юртда шаффоф декларация ўтказилса;

Ҳашарга чет эл давлатлари тортилса...

Айтишга осон. Қозоқ саҳрода бошкент (Остона) қурди-ку! Биз ҳам бугун бўлмаса эртага... Истак бўлса бас. Ғайрат бўлса бас.

Мен бошкентни Остонадан-да маҳобатли кент бўлганлигини, ундан Ғарб ҳам ҳайратга тушганини кўряпман. Хаёл кўзи билан. Яна Америкадек қудрат отига минганини ҳам кўряпман. Хаёл кўзи билан.

Мен, замон келиб, шон-шуҳратга тўлғувчи бу бошкентга шундай ном берилишини истайман: ТЕМУРКЕНТ!

Бу олтин тупроқда кўп салтанатлар қурилган. Жумладан: Ўғизхон империяси, Қонғлилар империяси, Кушонлар империяси, Қорахонлилар империяси, Темур Ҳоқон империяси... Буюк Темур 34 ёшида (1374 йилда) Кешда Туркистон салтанатига асос солади. У бир туғ остида 27 давлатнинг бошини қовуштиради. Юртлар тўкин ўзгаришлардан гуллаб, яшнайди. Ўз замонида Темур ҳоқон асос солган бошкент – Самарқанд донғи оламга ёйилади. Унга турли юртлардан минглаб, миллионлаб кишилар келиб, кетишган: сайёҳлар, элчилар, олимлар, ёзарлар, режиссёрлар, актёрлар, давлат арбоблари...

Ҳануз шундай.

Ҳинд подшоҳи Жавоҳарлал Неру Самарқандга ташриф буюрганида, 4300 йил илгари бобо-момолари шу юртдан Кашмирга (Ҳиндистонга) ҳижрат қилишганини фахр ила айтди.

Донғли кино артист Раж Капур ҳам ота макони Самарқанд (Ургут) эканини меҳр билан тилга олди.

Сўнгги умрини Туркияда яшаб ўтган буюк астроном олим Али Қушчининг ҳам таг-туги самарқандлик бўлади.

Темур ҳоқоннинг набираси Мирзо Улуғбек дунёда илк марта Самарқандда «ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ»ни яратган. Унинг астрономик маркази Оврўпага кўприк бўлган. Таърифлашда давом этсам, китобга сиғмайди.

Тарихда шахснинг ўрни буюк. Темур айрим беклар-нинг қаршилигига қарамай, Самарқандни бошкент айлади. Янглишмади.

Ойдинлар Президент Шавкат Мирзиёевда Амир Темурнинг ғайрат, шижоатидек ғайрат, шижоат бор, дейишади. Бунга улар унинг икки йилда қилган ишларини мисол келтиришади: «Мамлакатимиз бўйича кўнгил қувонадиган ишлар бўляпти. Буларни телевиденеда кўриб боряпмиз. Пойтахтнинг ўзида, икки йил ичида: Сирғалида шаҳарча, Тошкент сити, Муз саройи, кўприклар-у йўллар қурилди. Мисли кўрилмаган тезликда. Булар тарихий воқеалар...»

Ўзбекистондек бой юрт очунда кам. Агар у олмон, жапўн, инглизлардек ишбилармонларда бўлганда эди, юртимиз чин маънода жаннатга айланарди. Энг қашшоқ ўзбек ҳам: қасрда яшарди, юртимиз беқиёс қудратга минарди. Америкача қудратга, ҳатто...

Ойдинларнинг гаплари таъсирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах бўлими бошлиғи Меҳрибоннинг сўзи эсимга тушди: «Яшин тезлигида десам, лоф бўлмас, вилоятимизда Гагарин, Манас, Хонбанди каби шаҳар, шаҳарчалар қайта янгиланди. Яна қанча қишлоқлар обод этилди. Тағин, шунингдек, 9 та: ип йигирув, тўқимачилик, тикувчилик фабрикалари қурилди. Улар Немис, Австрия, Туркия, Италия, Швейцария технологиялари асосида ишга туширилди, туширилмоқда. 9 та!.. Айтишга осон. Амалда...

СССР даврида юртимизда 4-5 та тўқимачилик фабрикаси бўлган. Энди-чи?.. Бундан ўзингиз хулоса чиқариб олинг. Вилоятимизда яна учта фабрика қурилади... Мен буни бир чимдим ҳам пахта, ипакни чет элга хомашё сифатида чиқарилмасликка қатъий қарор, деб биламан. Тарихда бунақаси бўлмаган».

Меҳрибоннинг гапи сабаб: Юртбошимизнинг элимиз дарди қотилган шу сўзи ёдимга тушди: «Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?»

Шундан келиб чиқиб қаралса, туб мақсад аён бўлади. Қарамлик йилларимиз кўз олдимизда жонланади. Юртимиз, юртимиздаги бутун бойликларимиз кимларнинг қўлларида эди? Аниғи: қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз, жумладан: ипак, пахта, жун каби хомашёларимиз кимларнинг қўлларида эди?

Ёт қонларнинг. Улар совуқ юрт саноатини ривожлантириш, кишиларни иш, маош билан таъминлаш учун оққан. Тинимсиз оққан, 126 йил оққан. Биргина олтинимизнинг ўзи бир дунё бойлик. Тасаввур қилинг: Ер юзи мамлакатлари ичида энг кўп олтин кони бизда мавжуд. Фикримнинг исботи учун икки мисол келтираман: «Ўрта Осиё – Рус тожидаги энг қимматбаҳо дур»... Вишнегородский, Россия Империяси молия нозири. «Россиянинг келажаги Ўрта Осиё билан...» Горчаков, Россия империяси Ички ишлар нозири.

Бу гаплардан яққол аёнки: Россия 126 йил Туркистон бойлигига эгалик қилган. Ундан кўнгли тусаганча фойдаланган ва шу туфайли қудратга кирган. Эгаликни қўлдан чиқармаслик учун элга ёвузлик қилган. Бу Ленининг сўзидан ҳам кўриниб турибди: «Чор Россияси – халқлар турмаси». Бунга Туркистон генерал губернатори Фон Кауфманнинг сўзи ҳам гувоҳлик беради: «Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилга орқага суриб ташладик».

«Суриб ташладик», дегани – Туркистонни иложи борича узоқроқ қарамликда сақлаш, узоқроқ ғарот қилиш ва элларига қирон келтириб туриш дегани. Агар ёв ёвуз йўл тутмаганда, ҳозир Туркистон халқи уч юз миллиондан ошарди. Бу дегани: ҳозирги Россия аҳолисидан икки марта кўп аҳолига эга бўларди дегани.

Достоевский сўзи: «Ҳақиқат Россиядан улуғ». Ҳақиқат Россиядан улуғ бўлса, мен айни ҳақиқатни айтдим. Ҳозирча, очунда АҚШ, Оврўпа цивилизациясидан ўзар цивилизация йўқ. Марказий Осиё халқи улардан ёмонлик кўрмаган. Улар билан тенглик асосида дўстлик алоқаларини мустаҳкамласак, хайрли бўлади. Чунки Оврўпа, АҚШдан ўрганадиган нарсаларимиз кўп. Ўрис ҳам улардан ўрганиб, олға силжиган. Пётр Інинг Ўрисияга қилган бебаҳо хизматини эсланг. У стартни Оврўпадан олган. Россиянинг парвози Оврўпа цивилизациясидан бошланган...

Менинг профессор Абдураҳмон Ражаб, академик Зариф Бакир, профессор Маҳмуд Йўлдош, академик Зоир Зиёт, давлат арбоби Ўриш Ҳамид, профессор Мавлон Умрзоқ, доцент Улуғбек Найман, Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукур каби фикрдошларим бор. Улар: «Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни энг қудратли давлатлар қаторига олиб чиқади» деб айтаяпти.

Юқорида мен олтин конларимиз КЎП дедим. Бироқ геолог ўртоқларимнинг хомчўтларича яна шунча олтин кони бор. Улар еримиз остидан ёруғликка чиқишни кутиб ётибди...

Ўзбекистондек бой юрт очунда кам. Агар у олмон, жапўн, инглизлардек ишбилармонларда бўлганда эди, юртимиз чин маънода жаннатга айланарди. Энг қашшоқ ўзбек ҳам: қасрда яшарди, юртимиз беқиёс қудратга минарди. Америкача қудратга, ҳатто...

Юзага келган ҳолатга ким сабабчи? Нима сабабчи?

Йўқлик. Йўқлик эса очкўзлик, иш кўзи ва юртни бошқара билмасликдан вужудга келади. Яна: худбинликдан, Худоликни даво қилишдан... Яна: ҳиссизликдан, иккиюзламачиликдан, сўзда турмасликдан, ўзига бино қўйишликдан...

Munofiqlikning энг иркит кўриниши: сохта мақтов, сохта чапак..

Одамни йўлдан оздирадигани шу, шулар...

Йўлдан озган кас эса эл-юртга кулфат келтиради. Битмас-туганмас кулфат...

Юртимизда ер ости, усти бойликларимизни Ватанимиз ўсуви йўлида ишлата биладиган кишиларимиз етарли. Менимча, бунинг учун уларга: Фикр, Сўз, Қалб эркинлигини беришимиз лозим.

Бу ҳол давлатимизни юксалишга бошлайди. Ўйлашимча, Элбоши сиёсати худди шунга олиб боради. Фикрлардан давлат ривожланади.

Бошкент масаласида мен шахсий фикримни айтдим. Агар мурод ҳосил бўлса, улуғвор Тошкент улуғворлигича қолади. Олмаота мисол, Нъю-Йорк мисол, Петербург мисол.

Шу ўринда Элбошининг қуйидаги сўзини келтираман: «Биздан келажак авлодларга янги шаҳарлар қолади».

Эл кўнглини илитувчи бул фикрга қўшимча қиламан: Олтин воҳада бошкент қурган шахс ҳам тарихда қолади. Мангу қолади. Самарқандни қурган АЛП ЭР ТЎНҒА (Афросиёб) мисол.

Манба: uza.uz

(Давоми бор)

Оббо...

Ижтимоий тармоқларда Тошкентга келган турк актёри Бурак Ўзчивит билан ўзбекистонлик «топармон-тутармон» аёлларнинг бир пиёла чой устидаги учрашуви акс этган хабарни кўриб ҳайратга тушдим.

379 минг долларлик тушлик

ёки биз қаёққа қараб кетяпмиз?

Унда турк актёри тошкентлик мухлисалари билан 2,5 соат тушлик учун 379 минг доллар ҳақ олгани баён этилган. Во ажаб! Бир юз эллик дақиқалик учрашувга 3 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарф этилса-я?...

Очиғи, буни кўриб, шундай мулоҳазага бордим. Бу маблағ шамолга совурилмадими? Ёки опа-сингилларимиз пулларини қандай сарфлашни билмаётганмикан? Ахир, атрофимизда ижтимоий кўмакка муҳтож қанча инсон бор. Ёки уларни кўзимиз кўриб, қулоғимиз эшитмаяптими?.. Ахир, бу пул билан қанча йўлни, уй-жойни таъмирлаб, қанча ўксик кўнгилларни обод этиш мумкин эди-ку!

Бугун оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда Оролбўйида амалга оширилаётган хайрли ва савобли ишлар борасида сўз юритилмоқда. Кимдир қўл, кимдир тил, кимдир пул кўмаги билан ушбу савобли ишга улуш қўшмоқда. Мана масалан, «Агробанк»нинг Мўйноқ тумани бўлимида очилган махсус жамғармага термизлик Умида Сафарова ўз маблағи ҳисобидан 49 миллион 750 минг, Хўжайли туманида яшовчи 5-синф ўқувчиси Расул Адҳамов йиғиб юрган 7 минг 600 сўм маблағини ўтказди.

Мени шу савол қийнамоқда: биз савоб иш қилишда 12 ёшли Расулдек бўла олмаяпмизми? Наҳотки, беш дақиқалик учрашув учун шунча маблағни сарфлаймиз-у ўз истиқболимиз, Ватанимиз келажаги, юртдошларимизга келганда ўйланиб қоламиз.

Тўғри, халқимизда «Меҳмон отангдек улуғ» деган гап бор. Аммо ҳамма нарсада чек-чегара ва меъёр бўлиши керак эмасми? Улуғ ҳикматларимизда ҳам «яхшиликни аввал онангга, кейин отангга, сўнгра яқинларингга қил» дейилади. Биз-чи?

Назаримда, бу ҳолатларнинг асосий омили маънавиятимиздаги бўшлиқдадир. Ва яна ҳар куни хусусий телеканалларда намойиш этилаётган, тун-у кун хаёлимизни олган турк телесериалларида?..

Ўзбекистонимиз ҳар биримиз учун онамиздек улуғдир. Қандай эзгулик қилмоқчи бўлсак, қандай хайрли амал кўрсатмоқчи бўлсак, энг аввало, ватанимизга, юртдошларимизга бағишламоғимиз керак.

Аниқ биламанки, аксарият юртдошларимиз менинг фикримни қўллаб-қувватлайди.

Жанабай МАШАРИПОВ
Хўжайли тумани

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва ҳудудий бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси Мақсуд Жабборовга отаси

Раимжон ота ЖАББОРОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ахборот ресурс маркази директори Ҳилола Ҳусановага онаси

Хатира ая АҲМЕДОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-91) 537-61-76
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Т. Шернаев
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **00:55**
Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 217.**
30611 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**